

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2014-ЙИЛ 23-ЯНВАР, ПАЙШАНБА, 10 (8247)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларини инobatга олиб ҳамда ташкил этилганининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тadbирларни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ой муддатда мазкур санага муносиб тайёргарлик кўриш ҳамда уни юксак даражада ўтказиш бўйича тadbирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

– Ўзбек Миллий академик драма театри биносини капитал таъмирлаш, замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш ҳамда худудини ободонлаштириш бўйича тегишли чоратadbирларни амалга ошириш;

– “Ўзбек Миллий академик драма театри” китоб-альбомини нашрга тайёрлаш ва chop этиш;

– Ўзбек Миллий академик драма театри ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

– “Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда театр фаолиятига бағишланган учрашувлар ташкил этиш;

– 2014 йилнинг сентябрь ойида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида мамлакатимиз театрлари вакиллари ва фахрийлари, маданият ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик иштирокида ушбу санага бағишланган бадиий кеча ўтказиш тadbирлари белгилансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 январь



БИЛИМЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабда математика, физика, кимё, биология фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Турли фан ва спорт йўналишларида тўгараклар фаолияти самарали йўлга қўйилган. Ўқувчилардан Нодира Маҳаматова, Шавқиддин Ҳаққулов, Машхура Аҳмадова, Бек-

тош Абдухамидов, Шамсиддин Зубайдуллаев, Хушнуд Худойназаров спортнинг кумитэ ва сузиш турлари бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган бўлса, Жасур Абдураззоков каби ёшлар фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ибрат бўлаётир.

СУРАТДА: география фани ўқитувчиси Адолат Худойбердиева машгулотда.

Тохир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ «FEC NEWS» САҲИФАЛАРИДА

ЯПОНИЯДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «FEC NEWS» ГАЗЕТАСИ САҲИФАСИДА
“ЎЗБЕКИСТОН: ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ 8 ФОИЗ БАРҚАРОР ЎСИШИ ВА
САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ” САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА БОСИЛИБ ЧИҚДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сийосатининг устувор йўналишлари, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг жадал суръатлари, унинг бой тарихий-маданий мероси ва улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги батафсил маълумотлар кўп сонли газетхонларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

Газета мамлакатимизнинг глобал ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлашга қўшаётган фаол ҳиссаси ҳақида ҳам атрафлича тўхталган. Бу борадаги муҳим қадам сифатида Президент Ислам Каримов томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрь ойидаги 48-сессиясида илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги ташаббуси қайд этилади. Шунингдек, Афғонистондаги вазиятни ҳал қилиш мақсадида “6+2” мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси ҳамда уни “6+3” форматга

ўзгартириш бўйича расмий Тошкентнинг таклифи ҳам қаламга олинган.

“FEC NEWS” ўз ўқувчиларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муваффақиятлари билан таъминлаш эҳтиёжидан кўндалдиз йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 4 марта, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 баробар ўсганини, фуқароларнинг реал даромадлари эса 7 баробар ошганини қайд этади.

“Ўзбекистон иқтисодиётни индустриаллаштириш йўлида дадил қадамлар ташламоқда. Агар суверенитетнинг илк йилларида республика экспорти асосан хомашёдан иборат бўлган бўлса, бугунги кунда мамлакат қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларнинг бунёд этилиши натижасида жаҳон бозорига юқори сифатли саноат товарларини етказиб беришмоқда”, деб ёзади газета.

Мақолада алоҳида таъкидланганидек, сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати барқарор равишда 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бу соҳадаги ютуқларнинг асосий омиллари сифатида “FEC NEWS” мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техникавий ва технологиявий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ахборот технологиялари, электр техникаси ва энергияни тежаш саноати, автомобилсозлик сингари янги тармоқларни яратиш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар санаб ўтилган.

Нашр Ўзбекистон — Япония алоқаларининг замонавий ҳолати ва уларнинг янада кенгайтириш истиқболлари тўғрисида тўхталар экан, ўзаро муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси юздан ортиқ шартнома ва битимлардан иборат эканлигини таъкидлайди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ «FEC NEWS» САҲИФАЛАРИДА

(Боши 1-саҳифада)

“1994, 2002 ва 2011 йилларда Ўзбекистон Президентининг Японияга ташрифлари бўлиб ўтди. Улар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг изчил тараққиётига янгича мазмун бахш этгани ҳолда стратегик шерикликни янги даражага кўтарди. Тошкент ва Токио жаҳон майдонида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Улар халқаро ва минтақавий характердаги масалалар бўйича бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар”, деб ёзади япон нашри.

Мақолада икки ва кўп томонлама алоқаларнинг муҳим механизми сифатида “Марказий Осиё + Япония” Мулоқоти доирасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

“FEC NEWS” ўз ўқувчиларини Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик салоҳияти билан таништираётган экан, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз йирик сайёҳлик марказларидан бири саналишини, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарлар эса ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилганини қайд этади.

“Самарқанд икки ярим минг йилдан ортиқ давр мобайнида дунё тамаддунининг марказларидан бири бўлган. Жаҳоннинг яна бир қадим шаҳарларидан бири — муқаддас Бухоро бўлиб, у кўп асрлик тарихга эгадир. Хива эса “очиқ осмон остидаги шаҳар-музей” сифатида донг таратган. Ҳар йили

Шарқнинг ушбу беқиёс марваридлари гўзаллигидан баҳраманд бўлиш учун дунёнинг барча нуқталаридан юз минглаб саёҳатчилар Ўзбекистонга келишади ва ўзлари билан унутилмас таассуротларни олиб кетадилар”, деб ёзади нашр.

Маълумот тариқасида қайд этиш жоизки, “FEC NEWS” газетаси 1983 йилдан буён Япония Халқаро дўстлик алмашувлари кенгаши томонидан чоп этилади. У мамлакат парламенти депутатлари, ҳукумат, вазирлик ва идоралар, йирик компаниялар ҳамда Токиода аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари вакиллари билан иборат бўлган ўз ўқувчилари доирасига эга.

“Жаҳон” АА

Токио

Қашқадарё Вилояти

▼ ТАДБИРКОРЛИК

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИЛҒОР ИШБИЛАРМОНЛАР

Қарши шаҳридаги ака-ука Илҳом ва Суръат Худойназаровлар бошқараётган “Fayz barqaror savdo” корхонаси томонидан 2013 йилда “Қишлоқ қурилиш банк”дан 100 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит олинди, хориждан мебель ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва хомашё харид қилинди. Банк олдидаги мажбуриятни бажариш, кредитни ўз вақтида қайтариш мақсадида мониторинг олиб борилди. Бозор ҳар томонлама ўрганилди. Корхона усталари Тошкентдаги етакчи мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бирида бўлиб, ўз малакаларини оширишди.



Изланиш, астойдил интилиш ўз самарасини берди. Фаолият юрита бошлаганига ҳеч қанча бўлмаган корхонада айни пайтгача 100 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Пухта режа асосида амалга оширилган ишлар нисбатан қисқа даврда корхона маҳсулотларининг харидор-гирлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Бугунги кунда “Fayz barqaror savdo” мебелларининг миқдорлари кўп.

– Биз “Fayz barqaror savdo” маҳсулотларини харид қилишдан мамнунмиз, – дейди

буюртмачилардан бири — Сурхондарё вилоятининг Сарисий туманидаги “Янги тўпаланг” корхонаси вакили Сайфиддин Қоржовов. – Маҳсулотлар жаҳон андозалари, талаблари даражасида сифатли тайёрланади. Буюртмалар ўз вақтида бажарилади. Ҳозиргача корхонадан 15 миллион сўмлик офис мебелларини харид қилдик.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, албатта, пировардида аҳоли даромадлари, турмуши фаровонлигининг ортиши

билан аҳамиятлидир. Корхона ташкил этилгандан сўнг бир неча ўнлаб ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Буюртмалар, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиб бориши эса иш ўринларининг янада ортишига омил бўлади.

– Мен касб-ҳунар коллежини тамомлаб, бу ерга ишга келдим, – дейди Самар Сафаров. – Назарий билимни амалиётда мустаҳкамлаш осон кечмади. Фаррух Зиёдов, Ўрол Салойиддинов, Шерзод Сатторов сингари ҳамкасбларим билан меҳнат қилганимиз. Буюртмаларимиз кўп. Мақсудимиз ўз вақтида, бажарилган иш кўламига қараб тўланади. Бу корхона ривожланишидан ишчиларнинг ҳам манфаатдорлигини ошишини таъминлайди. Мақсадимиз мебелларимиз сифатли бўлиш билан бирга чидамли бўлсин. Бозорда муқим ўз ўрнимиз ва нуфузимизга эга бўлишга ҳаракат қилганимиз.

Жамоанинг Соғлом бола йилидаги режалари ҳам катта. Жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк”дан фаолиятни янада кенгайтириш учун 300 миллион сўм имтиёзли кредит олиш режалаштирилмоқда. Сармоёга мебель цехи учун алоҳида бино бунёд этиш ҳамда замонавий технологиялар олиб келиш мўлжалланмоқда. Бу кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини ҳам беради.

Хусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Акмал АЗИМОВ олган
суратлар.

Сургарё Вилояти


Боёвут туманидаги “Ҳақберди самараси” фермер хўжалиги аъзолари олинган даромаднинг асосий қисмини хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтиришаётди. Айни чоғда хўжалик ихтиёрида 1 та “Класс” русумли ҳайдов, 2 та “МТЗ-80” чопиқ ва транспорт тракторлари, 3 та тиркама, 1 та автобус бор.

ФЕРМЕРНИНГ ЯНГИ ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИ

Барча агротехник тадбирлар замонавий русумдаги техника воситалари ёрдамида ўз вақтида, сифатли бажарилаётганлиги, вегетация даврида маҳаллий ўғит ва чиқиндилардан самарали фойдаланилаётганлиги сабабли шўрхок ер шароитида ҳам пахта ва ғалладан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб келинмоқда.

Шукуржон Раҳмонбердиев бошлиқ фермер хўжалик аъзолари ўтган йилнинг охирида ўз маблағи ҳисобидан ишчилар учун қишки ва ёзги дам олиш уйлари, 110 бошга мўлжалланган молхонани қуриб битказди. Яқинда тадбиркор хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Украинадан 100 бош олти ойлик “қизил ола” зотли бузоқларни олиб келди. “Ипотека” банкнинг вилоят филиали зотли бузоқларни сотиб олиш учун тадбиркорга 250 миллион сўм кредит ажратди. Мазкур маблағ хўжаликда кўптармоқчиликни йўлга қўйиш баробарида янги иш ўринлари ташкил этиш имконини ҳам берди.

Бош чорвашунос Фахриддин Ўролов, иш бошқарувчи Жумакул Раҳмонбердиев, молбоқар Шоназар Кўчмуродов, механизатор Равшан Отабоев, менежер Ғайрат Раҳмонбердиевлар хўжаликнинг илғор аъзолари сифатида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. – Ёш бузоқлар маҳаллий



шароитимизга тез мослашмоқда, – дейди фермер. – Чорва ривожининг асосини озуқа белгилайди. Шу боис, жорий йилда озуқа экинлари майдонини кенгайтириб, 15 гектар ерда янги бедазор ташкил этмоқчимиз. Бундан ташқари, ғалладан бўшаган майдонларда маккажўхори етиштиришни йўлга қўймоқчимиз. Келгусида хўжалигимизни зотли қорамол, сут ва гўшт етказиб берадиган хўжаликка айлантирмоқчимиз. Истиқболда эса чорвачилик фермаси ёнида сутни қайта ишлаш цехини қуришни ҳам режалаштирганмиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ТАНЛОВ

ЭНГ ЯХШИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритиш бўйича ўтказилган танлов якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н.Миродилова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар таъкидлашганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун барча зарур шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтларининг мақомини ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мана шундай ишлар натижасида сўнгги уч йилда бундай ташкилотлар сони 22 фозга кўпайди ва айни пайтда 6 мингдан ошди. Улар таълим, экология, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда самарали фаолият

кўрсатиб, ижтимоий-гуманитар тараққиётга доир муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда.

Ушбу ишларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2013 йилнинг декабрь ойида танлов эълон қилинган эди.

Анжуманда қайд этилдики, танловга 2013 йилда чоп этилган тўрт юздан ортиқ ижодий иш тақдим этилган. Махсус комиссия голибларни аниқлашда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, хусусан, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳамда бошқа жиҳатлар очиб берилган ишларга алоҳида эътибор қаратган.

Матбуот анжуманида ННТлар фаолиятини босма нашрлар ўртасида энг кўп ва фаол ёритган энг яхши таҳририят ва журналистлар тақдирланди. Голибларга диплом ва совғалар топширилди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ




Хоразм вилояти

ОЛДИМИЗДАН ОҚАЁТТАН СУВ

УНИНГ ҲАР ҚАТРАСИ БЕБАҲО ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАСЛИГИМИЗ КЕРАК

Табиатда нафақат одамзод, балки ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам сув билан тирик. Шунинг учун сувни обиҳаёт дейдилар. Чиндан ҳам далаларимиз ҳосилдорлиги, боғ-роғларимиз ривож, ёруғлигимиз манбаи, ҳатто саноатимиз тараққиёти ҳам сув билан боғлиқ. Хусусан, Қуйи Амударё минтақасида яшовчи деҳқонлар, чорвадорлар ҳам унинг қадрини яхши ҳис қилишади. Ризқ-рўзи обиҳаётга боғлиқ одам борки, сув захирасининг мўл бўлиши ҳақида ўйлайди. Яратгандан дарёларимизга барака тилайди. Мухбиримиз Туямўйин гидроузелини тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ирригатор Курбонбой БОБОЖОНОВ билан суҳбатлашиб, унинг жорий йилда сув захирасининг қандай бўлиши ва ундан унумли фойдаланиш хусусидаги тавсиялари билан қизиқди.



– Курбонбой ака, аввало, ўзингиз раҳбарлик қилаётган жамоа зиммасидаги вазифаларга қисқача тўхталсангиз.

– Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз дарёнинг юқори оқимидан келаётган обиҳаётни сув омборларига тўплаш ва улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишни ташкил қилишдан иборат. Шунингдек, гидроузел таркибига кирувчи мураккаб гидротехник иншоотларни йил давомида иш ҳолатида сақлаш ва барқарор ишлатиш орқали деҳқончилик майдонларига Хоразм вилоятидаги имкониятга қараб, зарур микдорда сув етказиб бериш. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам бизнинг вазифамиздир.

– Ўтган йилда олиб берилган ишлар, эришил-

ган ютуқлар ҳақида гапириб ўтсангиз.

– Тўғриси айтганда, ўтган йили сув етарли даражада бўлди. Шу боис, фермерларимиз пахта ва галладан мўл ҳосил етиштирдилар, полиз, сабзавотчилик ва боғдорчиликда салмоқли натижаларга эришилди. Бунда гидротехник ходимларимизнинг ҳам хизматлари катта.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, деҳқонларимизни Яратганининг ўзи ёрлақди. Сув етарли, ҳарорат юқори бўлди. Юртбошимиз томонидан яратилган ҳар бир имконият ишимизда катта самара бериб турди. Гидротехник ходимларимиз мавжуд сув ресурслари билан истеъмолчиларни белгиланган лимит асосида узлуксиз равишда таъминлаб турдилар. Яқунланган йилда вилоятимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжи ҳамда аҳоли учун етарли микдорда ичимлик суви етказиб

берилди, электр энергияси ишлаб чиқарилди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, Туямўйин гидроузели таркибидagi объектларни бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, 5 та гидропост мукамал таъмирланди. Шу билан бирга, гидроузел ҳудудлари кўкаламзорлаштирилди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

– Аини кунларда дарёдан оқиб келаётган ва сув омборига тўпланаётган сув миқдори ҳақида қандай фикр билдирасиз?

– Кўп йиллар шу соҳада ишлаганимиз ва тўпланган тажрибаларимиздан шунини айтиш мумкинки, табиат устидан олдиндан ҳукм чиқариб бўлмайди. Лекин аини кунларда дарёнинг юқори оқимидан оқиб келаётган сув миқдори бироз кам. Ҳар ҳолда ўтган

йилнинг аини палласидагига нисбатан анчагина кам. Шунинг учун барча деҳқонларимиз сувдан унумли, тежаб-тергаб фойдаланишлари зарурлигини ёддан чиқармаслиги мақсадга мувофиқ.

– Сувдан унумли фойдаланиш учун кўпроқ нималарга эътибор бериш лозим?

– Сувнинг камчил бўлиши минтақамизда биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Тақчиллик чора излашга даъват дейдилар. Сув кам бўлган йилларда ҳам катта тажрибаларга, илм-фан ютуқларига таяниб меҳнат қилиб, белгиланганидан зиёд пахта, галла етиштирган фермерлар, боғ ва полиздан, шахсий томорқасидан кўзлангандан зиёд ҳосил олиб, кишиларимиз тур-

муш фаровонлигига, Ватанимиз иқтисодиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган соҳибкорларимиз кўпчилигини ташкил этади. Юзага келган ҳолатнинг ўзи ерлар шўрини ювиш, экинлар парвариши даврида сув тежамкорлигига қатъий риоя қилишни талаб қилади. Бу, биринчи навбатда, экин турларининг вазиятдан келиб чиқиб тўғри танлаш, намнинг узоқ сақланиш имкониятларини яратиш, оз сув билан кўпроқ майдонларни суғориш, тежамкор усуллардан кўпроқ фойдаланишни талаб этади. Ҳамма ер эгалари сувни умумхалқ мулки, ризқ-рўзимиз манбаи, Яратганининг бизларга катта эҳсон деб қараб, ундан унумли фойдалансалар, бу йил ҳам деҳқончилигимиз учун, албатта, баракали келади.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ЕРНИНГ СОҒЛОМ ҲОЛАТИ – МЎЛ ҲОСИЛ КАФОЛАТИ

Президентимиз раҳнамолигида аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида хўжалик юритишнинг янги йўналишлари шаклланиб, ерга бўлган муносабат ўзгарди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, жумладан, ер, сув ва тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш борасидаги ишлар самарадорлигини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

– Собиқ тузум даврида иқтисодиётнинг бирёқлама ривожланиши, ерга нисбатан нотўғри муносабатнинг шаклланиши тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва аксарият экин майдонларининг шўрланишига олиб келган, – дейди Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот давлат институти шўр тупроқлар генезиси ва мелиорацияси бўлими мудири Алмон Аҳмедов. – Ернинг шўрланиш даражасини доимий ва сифатли суғориш, агротехник талабларга қатъий амал қилиш билан камайтириш мумкин. Экинзор атрофидаги мавжуд зовурларни ўз вақтида тозалаш туриш, ортиқча сув тўпланишига йўл қўймаслик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қиш кунларида экиндан бўшаган ерларни суғориш ҳам яхши самара беради. Бу ишлар

баъзан баҳорда ҳам амалга оширилади. Ерни чуқур ҳайдаш эса бу муаммонинг олдини олишда алоҳида ўрин тутаяди.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки қарийб 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди. Биргина 2013 йилда бу борада 393 лойиҳа амалга оширилди. 12 минг 458 километр узунликдаги очиқ ва 602 километр ёпиқ горизонтал дренажлар тикланди. 3 минг 277 вертикал дренаж қудуқлари, мелиоратив насос станциялари, сув ўлчаш иншоотлари, қувурли ўтиш жойлари ҳамда назорат тармоқлари жорий ва қайта таъмирланди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 2013 йилда амалга оширилган мелиоратив объектларни реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари натижасида 260 минг гектардан ортиқ суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

– 240 гектар ерда пахта ва галла етиштирамиз, – дейди Жиззах вилоя-



Мутахассисларнинг таъкидлашича, ернинг шўрланиши ҳосилдорликни 80 фоизгача камайтиради. Бинобарин, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш мўл ва сифатли ҳосил олишнинг муҳим омилдир.

тининг Дўстлик туманидаги «Эшниёз-бобо» фермер хўжалиги раҳбари Муртазоқул Бўтаев. – Ерларни доимий ва сифатли суғориш, агротехник талабларга қатъий амал қилиш, экинзор атрофидаги мавжуд зовурларни тозалаш туриш ҳамда шўр ювиш ишларини ўз вақтида бажариш тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хўжалигимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд дренаж ва зовурларни тозалашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида экинларнинг ҳосилдорлиги икки баробар ошиб, пахтачиликда 42, галлачиликда 65 центнерга етди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин майдонларини зарарли тузлардан тозалаш, унумдорлигини ошириш, 2014 йил ҳосили учун мақбул замин яратиш мақсадида амалга оширилаётган қишқи шўр ювиш ишлари қизгин давом этмоқда.

Умар АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Ёнфин хавфсизлиги:

ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнфин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ўтган йилда содир бўлган ёнфинлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди.

Мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2013 йил давомида мамлакатимиз бўйича содир бўлган ёнфинларнинг 72,4 фоизи аҳоли турар-жойларида содир бўлган. Уларнинг сабаблари бўйича тўпланган маълумотлар эса ёнфинларнинг 39 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 28,5 фоизи электр жиҳозларининг носозлиги, 17,4 фоизи болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиққан.

Ўтган даврда ёнфин хизмати ходимлари томонидан ёнфинларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013/2014 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ёнфин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо-саноат ва бошқа тармоқлар масканларида ёнфин хавфсизлигига амал қилиш бўйича тушунтириш олиб борилди. Аҳолининг кенг қатлами билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Жойларда газ ва электр манбаларидан ноқонуний фойдаланмаслик, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда ёритиш мосламаларини ишлатишнинг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтка-



зилди. Табиий газни хонадонларга ўзбошимчалик билан улаб олиш, газ ускуналаридан фойдаланишда ёнфин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, маиший газ қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида бир қатор текширув-рейдлар ўтказилди. Уларда 27 минг 200 га яқин корхона-ташкilot, ўқув муассасалари, 3 миллион 980 минг 550 дан ортиқ аҳоли турар-жойлари, 35 минг 200 дан зиёд кўп қаватли уйлар ва бошқа масканларнинг ёнфинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Олиб борилган текширув ва ўрганишлар натижасида ёнфин хавфсизлиги қоидаларини ёки Ёнфин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаган 10 минг 170 нафар жавобгар шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилди. Ёнфин хавфи катта бўлган 3 минг 823 та бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 38 минг 350 та

электр ускуна ва мосламаларидан фойдаланиш тақиқланди.

Келтирилган маълумотлар ва мисоллар жойларда нафақат ишлаб чиқариш тизимида, балки аҳоли турар-жойларида ҳам газдан фойдаланишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини англаш мумкин. Натижа эса шуни кўрсатмоқдаки, ташкilot ёки хонадон бўладими, ишлаб чиқариш объекти бўладими, қаердаки, табиий газдан нотўғри фойдаланиш, техник талабга жавоб бермайдиган газ ускуналарини қўллаш ҳолатларига йўл қўйилар экан, ўша жойга ёнфин хавф солиши, ҳеч гап эмас. Шундай экан, ҳар бир хонадон ва иншоотларда қонун бузилиши ва қоидабузарликларга қарши курашда жамоатчилик масъулиятини янада оширмоғимиз керак.

Анвар ХУДОЙКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЁХББ катта муҳандиси, майор.

Оловдан тўғри фойдалансангиз – дўст, эҳтиётсиз ва бепарво муносабатда бўлсангиз – ёвга айланасиз. Буни қундалик турмушимизда кўриб турибмиз. Айниқса, биз – ёнфин хавфсизлиги хизмати ходимлари вазирамиз тақозоси билан бунга кўп бора гувоҳ бўламиз.

БЕПАРВОЛИК БАРЧАГА ЗИЁН

Кўпинча бир ҳолат – кўпқаватли уйларнинг йўлакларидagi тартибсизлик ҳам ёнфинлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундай уйларда яшовчи кўпчилик фуқаролар таъмирлаш жараёнида хонадонларидан чиққан қурилиш материалларини вақтинчалик уйнинг йўлагига чиқариб қўйишади. Бу билан йўлакдан ўтаётган қўшниларга ва ўзларига бир қанча қийинчиликларни туғдиришади. Бу йўлаклар бирон бир фавқулодда ҳодиса, зилзила ёки уйда ёнфин содир бўлган тақдирда фуқароларни қутқариш учун биринчи кутқарув йўли ҳисобланади. Қурилиш ашёлари устига йўловчиларнинг сигарета қолдиқларини ташлаши ёки ёш болаларнинг гугурт ўйнаши натижасида ёнфин келиб чиқиши эҳтимоли юқорилиги ҳам доим ёнфин хавфсизлиги ходимларини хавотирга солмоқда. Бундай қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида туман Ёнфин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳаллалардаги учрашувларда фуқароларга кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

А. НАЗАРОВ,
Олмасор тумани ИИБ
ЁХБ инспектори.

▼ БОЖХОНА НАЗОРАТИ

Дардга дармон бўлармикан?!

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби фармацевтика соҳаси ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида мазкур тизимнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга ва инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган йигирмадан зиёд қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, мамлакатимизда сифатсиз ва қалбаки дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш қатъиян тақиқланди. Қонунчилигимизда белгиланган ушбу тамойилларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186 моддаси билан истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан 2013 йил 1 июлдан бошлаб, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган айрим турдаги истеъмол товарлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга дори-дармон воситалари киритилган.

Афсуски, мазкур тартибларга бўйсунмасдан дори-дармон воситаларини ноқонуний йўллар билан республикамизга олиб киришга уринишлар ҳамон учраб турибди. Республикаимиз божхоначилари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти божхона бошқармаси “С.Нажимов” божхона пости ходимлари томонидан юртимизга кириб келаётган пиедалардан бири, қўшни давлат фуқароси Г.Шакаримовнинг қинғир қилмишларига нуқта қўйилди. Ушбу аёлнинг қўл юклари ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, қиймати салкам 12,5 млн. сўмлик 31 минг донадан ортиқ “Канефрон Н” таблеткаларини божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишга урингани фош бўлди.

Фарғона вилояти “Бешарик” темир йўл божхона постида Қирғизистон Республикасидан кириб келган юк поезди вагонларидан бири божхоначилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда кўздан кечирилганда, унда сақлаш ва ташиш қоидаларига бутунлай зид равишда яширинча қиймати 14,3 млн. сўмдан ортиқ бўлган 3200 донага яқин



“Ципролет”, “Десмопрессина”, “Минирин” дори воситалари олиб кирилатганлиги аниқланди.

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани қўшни давлатга туташтирувчи айланма йўлда ҳаракатланаётган ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари кузатувига тушганини сезиб қолган бир гуруҳ шахслар дарров дуч келган томонга жуфтакни ростлаб қолишди. Аммо улар ташлаб қочишга мажбур бўлган юклар ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, қонунбузарлар қиймати салкам 23,5 млн. сўмлик 23 турдаги 5872 дона дори воситаларини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга урингани фош бўлди.

“Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплексига ҳам дори воситаларини ноқонуний олиб кириш-

га бўлган уринишлардан бири фош қилинди. “Истанбул-Тошкент” йўналиши бўйича парвозини яқунлаган фарғоналик Г.Каримовнинг “аптечка”сидан божхона назоратидан яширилган 5 турдаги 2300 донага яқин дори воситалари жой олганига нима дейсиз?

Шу турдаги яна бир йирик қонунбузарликка Тошкент шаҳар божхоначилари томонидан чек қўйилди. “Келес” темир йўл божхона постида “Москва-Тошкент” йўналиши бўйича кириб келган йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида фуқаро Р.Аскарлов томонидан 31 турдаги дори воситаларининг қонунга хилоф равишда юртимизга олиб кирилишининг олди олинди. Божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида қайд қилинмаган мазкур дори воситаларининг умумий қиймати салкам 38 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2013 йил мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 273 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 9,6 млрд. сўмлик дори-дармон воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, дори-дармон воситалари муомаласида энг асосий масъулият истеъмолчининг зиммасидадир. Дори-дармон воситаларини харид қилишда янада эътиборли бўлиш, айниқса, уларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари билан танишиш ўзимиз ва оила аъзоларимизнинг саломатлигига хизмат қилади.

**Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати**



оқилона фойдаланишни талаб этаётир.

Чўл ўзи оти билан чўлда. Бу ердаги мавсумий кўм кўчкилари яйловларга доимий зарар ерказиб келган. Чўллашишнинг авж олиши эса уни янада кучайтириб юбормоқда. Бунинг олдини олишнинг асосий ечимларидан бири саксовул, черкез сингари сувсизликка чидамли чўл ўсимликлари ўстириб, сунъий тўқайзорлар бунёд этишдир. Натижада бу ерда тупроқ эрозияси, чанг ва кўм зарраларининг шамол билан тарқалиши камаяди. Ўзига хос ҳайвонот ва наботот олами юзага келади.

Чорвачилик ҳудудлари узокда жойлашган. Бу эса, ўз навбатида, бу ерларда электр, газ, ёқилги таъминотини чеклайди. Маҳаллий аҳоли эҳтиёж учун чўл буталарини кесишга мажбур бўлади. Бу эса таъминотни яхшилаш масаласини юзага чиқаради. Бунинг энг мақбул йўли, дейишмоқда мутахассислар муқобил энергия манбалари – шамол, қуёш, сув энергияларидан фойдаланиш керак. Бу борада юртимизда бошланган кенг қўламли ишлар яқин йилларда ўзининг ижобий натижаларини бера бошласа, ажабмас.

Энг муҳим жиҳатлардан бири, чўл, ярим чўл ҳудудларидаги яйловлар, уларнинг аҳамияти борасида жамоатчилик дунёқароши ва билимини ошириш зарур. Маълумотларга кўра, ўртача катталиқдаги битта дарахт бир кеча-кундузда уч кишига етгулик тоза ҳаво ишлаб чиқарар экан... Демак, битта ўсимликнинг қанчалик фойдали хусусиятлари мавжудлигини, унинг ҳаётимиздаги нақадар аҳамиятга эга эканлигини англамас эканмиз, кўнгилдагидек натижага эришишимиз душвор.

Халқимизнинг "Биттасини кессанг, ўнтасини эк" деган мақоли бор. Мана шу тамойилни ҳаёт мезонига айлантисанг, ҳаёт мувозанатини сақлаб қолишга, келажак авлодга табиатнинг бебаҳо неъматларини аслича етказишга хизмат қилган бўламиз.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бу кўшиқ сокин ва вазмин оҳанглар билан таралади. Бу кўшиқда мувозанат садоси бор. Асрий қумликларнинг сирли товуши бор унда. Кўешнинг ўтли нафаси, қахратоннинг қаҳри мужассам. Ҳаёт учун бешафқат кураш манзаралари акс этади унинг оҳанглариди. У қумликлар бағрида ниш урган майсанинг, бардош рамзига айланган саксовулнинг ҳаёт кўшиғи.

Оддий назар билан қараганда, бийдек даштлар, чўлларда ҳаёт нафаси йўқдек кўриниши мумкин. Аммо, у ерларда ҳам ҳаёт қайнайди. Уларнинг биз билмаган сирли синоати, хазиначилари бисёр.

Чўл ўрмонлари ана шундай ноботот ва ҳайвонот оламига бой ҳудудлар сирасига киради. Бугун мамлакатимизда ўрмон билан қопланган майдонларнинг каттагина қисми чўл ҳудудларига тўғри келади. Чўлларда тарқалган иссиқсевар ўсимликларнинг табиатда ва халқ хўжалигида тутган ўрни ғоятда беқиёс. Саксовул, черкез, қуёнсуюк, қандим, шувок, нўхатак, янтоқ, илоқ ва бошқалар чорванинг йил бўйи асосий озукаси ҳисобланади. Булардан ташқари, бу ўсимликлар кўча қумларни кучли шамол таъсиридан тўсади, қумларни мустаҳкамлайди. Қолаверса, чўл ҳайвонларини жазирама иссиқдан сақловчи табиий кўрғонларга айланади.

ЯПОН САФОРАСИ ВА МУСАФФО ҲАВО

Бўйи 25 метргача етадиган Япон софораси – қумли,

шўрланган тупроқларда ҳам яхши ривожланади. Илдизининг ер қисмига чуқур ботиши унинг соя ва салқин жойларга, қурғоқчиликка, совуқ шамол ва қаттиқ қишга ҳам чидамлигини ортттиради. Танасининг ёйилган, шарсимон кўринишда тус олиши эса кўпроқ сояни ушлаб туриш натижасида намликни узок муддат сақлаш имконини беради. Шу сабаб унинг таг қисмида яна бошқа турдаги ниҳол ва гиёҳлар униши мумкин.

Дуккакли барг тўқувчилар оиласига мансуб бу дарахт барглари нотекис, тухумсимон ва узунчоқ, яъни 11-25 сантиметр узунликда бўлиши унинг қўм тўзонларини пасайтириш даражасини оширади.

Июль-август ойларида гуллаб, меваси сентябрь-октябрь ойларида пишиб етиладиган ушбу дарахт гуллари сариқоқ, хушбўй, 20-30 сантиметр га етадиган популар билан яланади. Дуккакларининг узунлиги 3-8 сантиметр ташкил этиб, аввал, яшил, пишиш даврига келиб қизғиш

рангга киради. Унинг катта ёшлиларининг гўстлоғи тўқ, ёш новдалари эса яшил, тикансиз кўринишга кириши эътиборни тортади.

Юртимизда бу дарахт кўчатларини кўпайтириш ишлари жадал олиб борилаётир. Соҳа вакиллари қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга мамлакатимизнинг чўл ҳудудларида деградацияга учраган ерларнинг экотизим барқарорлигини таъминлаш мақсадида кўпгина лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жорий этилган лойиҳалар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Қозоқдарё давлат ўрмон хўжалигида ҳамда Бухоро вилоятининг Қизилқум давлат ўрмон хўжалигида тажриба ишлари мунтазам равишда йўлга қўйилган. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқарувини такомиллаштириш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

ЧОРВА ОЗИҒИ, КҮМ ҚОЗИҒИ

Саксовул ўсимлигининг юқори ҳароратга бардошлилигини биламиз. Бироқ гармселнинг қайноқ нафасида бемалол яшайдиган бу ўсимлик сув ва намгарчиликни ёқтирмас экан. У суви мўл муҳитда куриб қолади.

Қумликлар ўсимликлари

миллион йиллар давомида ана шундай ўта юқори ҳароратга мослашишга мажбур бўлган. Натижада уларнинг ички ва ташқи тана тузилишида қатор мослашувлар вужудга келган.

Бўйи 1,5-12 метр, танасининг диаметри 1 метргача борадиган ушбу ўсимликнинг яшил новдалари органик модда тўпланишига хизмат қилади. Йиллик ёш новдаларининг кўп қисми кузда – совуқ тушиши билан куриб қолади. Озроқ қисми эса ёғочга айланади. Апрель ойидан бошлаб гуллайди, октябрда уруғлайди. Чўлли ҳудудларда ўрмонлар ҳосил қилувчи саксовулларнинг оқ ва қора турлари мавжуд.

Саксовулларнинг чўлдаги аҳамияти катта. У аҳоли учун ўтин, чорва учун тўйимли озук ҳисобланади. Шамол тўсувчи, яйловларни эрозиядан асровчи муҳим воситадир. Кейинги йилларда саксовулни кўпайтириш борасида қатор тадбирлар олиб борилаётир.

БИРНИ КЕССАНГ, ЎНИ ЭК

Чўл ва ярим чўл ҳудудларда яшовчи аҳолининг асосий даромад манбаи чорвачилик ҳисобланади. Аммо чорванинг яйловларда тартибсиз боқилиши натижасида ушбу ҳудудларда ўсимликларнинг камайиб, баъзан эса буткул йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бугунги давр яйловлардан

Рўҳларни қўмсаган бўрилар

Пиронота тоғларининг чўққилари осмонга тик бўй чўзган. Пастда қўй отари бор. Тоғ билан унинг ораси икки чақирим. Қиш чилласи пайтида Пиронота тоғларидаги гурғхоналар (бўрилар уяси) атрофида гуруҳ-гуруҳ бўрилар изғийди, оч қолган пайтлари отардаги сурувга бостириб борарди.

Бу йил ҳам шу ҳолат такрорланди. Тарзан ва Бўрибосар лақабли кучуклар жон ҳолатда безовталана бошлашди. Қаттиқ акиллаб, ириллашди. Чўпонлар елкаларига чопон ташлаб, ташқарига отилдилар.

Бош чўпон Сафарбой шериклари билан катта фонус ёқиб, қўра ва уй атрофларини кўздан кечира бошлашди. Қўранинг ўнг томонига ўтишганда, итлар улар атрофида айланар, лекин олдинга бир қадам ҳам босмас эди.

Илгарилаб бораётган Сафарбой қир пастда бир зум тўхтади. Тўртта бўри кўзларидан ўт сачратиб, думларини қисиб, чўққайиб ўтирарди. Сафарбой катта фонарни тез-тез ўчириб ёқар, кучуклар ириллар, чўпонлар шовқин-сурон соларди. Қашқирлар пинагини бузмай, атрофни кузата бошлашди. Шу пайт мўъжиза юз берди: чор-атрофни бўриларнинг увиллаган товуши тутди. Бу ҳол чўпонларни бир зум эсанкиратиб қўйди. Одатда, бундай улиш бошлангач ҳужумдан дарак берарди...

Қирдаги бўрилар секин ўрнидан туришди-да, ваҳимали ириллаб, орқаларига қайтиб, товуш келган томонга кета бошладилар. Чўпонлар қир тепасига ўт ёқиб, атрофни анча вақт назоратга олиб турдилар. Бўри ўтдан, арқондан кўрқади, арқонни илон, деб ўйлайди ва унга яқин кела олмайди.

Чўпонлар қўрага кирдилар. Тинимсиз кишнаган от нўхтасини узишга интилар, қулоқларини диккайтириб, кўзлари хонасидан чиққудек, осмонга учишга шай турарди. Оғилда сигирлар маърайди.

Сафарбойнинг ўғли Азамат сурув ичида қолишга жазм этди. Бошқалар аёзда қақшаб, печка ёнига шошилдилар. Тун ярмидан оққан пайт эди. Ҳали чўпоннинг кўзига уйку тўр ташламаган. Бўри бир ярим метр баландликдаги девордан сакраб кўчқорлар ўртасига ўзини урди. Сурув иккига бўлиниб, девор тубига тиқилди. Йиртқич чаққон ҳаракат билан катта бир кўчқорнинг икки қовурғасини юлиб олди. Чўпон ҳам шу муддатда қўлидаги таёғини зарб билан бўрига отди. Йиртқич буни кутмаган бўлса-да, чаққонлик билан ялангликка сакради.

Ўша куни эрталаб Сафарбой отини миниб, қашқирлар изидан кетди. Тўрт бўри чап тарафга, яна учтаси тоғ томонга кетганини уларнинг изига қараб билди. Сафарбой отини панароқ жойга боғлаб, ўзи зинали қояларга юриб, анча баландга кўтарилди, бир туп жангални паналаб дарани кузата бошлади.

Унинг боши узра бургутлар пастлаб ўтар, буталар атрофида шитирлаган товуш эшитиларди. Сафарбой гурғхона атрофидаги ҳолатни миқ этмай кузатиб турарди. Қаердадир бўри увлади. Зум ўтмай, унга жавобан бошқаси товуш берди. Бу ҳолат анчагача давом этди. Орадан кўп ўтмай, бўрилар ўнгирларидан учта-тўртта бўлиб, Пиронота тоғи этакларига эна бошлади. Бу атрофда бир неча гурғхона бор. Қачонлардир бўрилар тоғ остида яшаб зурриёт қол-



дириб, шу атрофларда яшаган. Гурғхонанинг оғзи кичик, унга фақат қашқирнинг ўзи сиғади. Ичига эса ўн-ўн бешта бўри бемалол жойлаша олади.

— Вақт ўтиб борган сари бўриларнинг авлодлари ота-боболари яшаган ерларни ташлаб, бошқа жойларга кетганлар, — дейди "Нурота" наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони Сафарбой Ҳасанов. — Лекин уларнинг болалари ҳар йили қиш чилласида Пиронота тоғига қайтиб келади. Эҳтимол, бу жониворларда ҳам аждодлари яшаган маконларни қўмсаш туйғуси бордир.

Ўша куни йигирмадан ошиқ қашқир қоялар орасидаги гурғхоналарга келиб, бирин-кетин унинг остонасига бир муддат тиз чўкиб, сўнгра оёғи билан тошларни тирнади. Бу ҳолат бошқа бўрилар томонидан қайтарилди. Кейин бошларини осилтирган ҳолда чеккага чиқиб давра қурдилар.

— Бу нима? — дейди Сафарбой, — бўрилар ҳам ўтган авлодларига сифнарган-да. Ёки боболарига садоқатми? Бу сир фақат Парвардигорга аён.

Ҳар йили бир вақтда ҳар тарафдан келган бўриларнинг бу ҳаракати кишини сирлар гирдобига ташлайди. Ахир, ўтганларнинг руҳини ёд этиш тирикларнинг муқаддас бурчи-ку! Кузатишлардан кўринадики, бу ҳол бўриларга ҳам хос экан.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ УНДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ КАТТА



РЕКЛАМА ЎРНИДА

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, ўтган йилда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида кичик бизнеснинг янада ривожланиши, унинг тараққиёт ва фаровонлиқдаги роли кучайди. Тадбиркорларга яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитида барқарор фаолият юритаётган банкларнинг алоҳида ўрни бор. Буни "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан ўтган йилда олиб борилган ишлар ҳамда бу борада банк мижозларининг фикрида ҳам кўриш мумкин.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 2013 йил давомида қарийб 494 миллиард сўм (2012 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошган) миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва сармоялар ҳисобига 11 791 та янги иш ўрни яратилди.

Ажратилган сармоялар тақлили уларнинг истиқболли тармоқлар тараққиётига хизмат қилганини кўрсатади. Хусусан, – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш

учун 42,3 миллиард сўм;
– касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга 5,7 миллиард сўм;
– тадбиркор аёлларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга 30,3 миллиард сўм;
– мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга 4,3 миллиард сўм;
– ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида – 15,3 миллиард сўм ипотека кредитлари, 8,7 миллиард сўм истеъмол кре-

дитлари ва 13,2 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Аҳолига мебель, маиший техника харид қилиш мақсадида 11,3 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди. Хотин-қизларнинг уй меҳнатини энгиллаштириш учун маиший ва ошхона электр жиҳозларини сотиб олишга жами 3,4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли сармоялар йўналтирилди.

Шунингдек, истиқболли тармоқлар, хусусан,
– оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 6,6 миллиард сўм;
– чорвачиликни ривожлантиришга 10,8 миллиард сўм;
– паррандачиликни ривожлантиришга 8,2 миллиард сўм;
– балиқчиликни ривожлантиришга 989 миллион сўм;
– асаларичиликни ривожлантириш учун 219,9 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Амалга оширилган ишларда "Обод турмуш йили" Давлат дастури муҳим аҳамият касб этди. Дастур доирасида олиб борилган ишлар – йўналтирилган сармоялар ободлик ва фаровонликка хизмат қилмоқда.

Банк кредит операциялари департаменти

МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежини битириб, қишлоқ худудида аҳоли ва ташкilotларнинг транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шохбчасини очдим. Бунда менга банк сармояси қўл келди.

**ЎЗИМ ҲАМ,
ТЕНГДОШЛАРИМ ҲАМ
ИШЛИ БЎЛДИ**

Ўтган йилларда "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ билан ҳамкорликда кўплаб муваффақиётларга эришдим. Жумладан, банкнинг "Касб-хунар коллеж битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси" бўйича танлови қолиби бўлиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган махсус сертификатга эга бўлдим.

Ушбу сертификат асосида 2013 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Хоразм минтақавий филиалидан 2 йил муддатга 28 миллион сўм кредит олдим. Сармоялар ҳисобига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ювиш шохбчаси учун эҳтиёт қисмлар ҳамда усуналар харид қилиб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Ҳозирги кунда 3 нафар тенгдошим ҳам ўзим билан бирга фаолият юритмоқда.

Бугун мен банкнинг ёшларни, уларнинг тадбиркорлик борасидаги қўллаб-қувватлаётганидан, ушбу ёшлар сафида ўзим ҳам борлигимдан беҳад хурсандим. Орзуларим амалга ошишида тадбиркорлик соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Демакки, банк билан ҳамкорлигимиз узок ва барқарор давом этади.

Эгамберди РАҲМОНОВ,
ёш тадбиркор.
Хонқа тумани

ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИДАМИЗ

Корхонамизда ойнадан кўзгу ишлаб чиқариларди. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, фирмамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида мебель-созликни йўлга қўйиш фикри туғилди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Фарғона минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Банк томонидан қисқа вақт ичида лойиҳамизни молиялаштириш учун 140 миллион сўм миқдорда имтиёзли фоизда кредит берилди. Сармояга мебель ишлаб чиқариш учун замонавий усуналар сотиб олдик. Ишлаб чиқариш корхонамиз Фарғона шаҳрининг ўзида жойлашгани боис, шаҳримиз аҳолисига бежирим, сифатли мебель маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш билан бирга, мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз хомашёларини корхонамизнинг замонавий усуналарида сифатли қайта ишлаш хизматларини ҳам йўлга қўйдик.

Махсулотларимизни мижозлар талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқаряпмиз. Шу боис, уларнинг хариддорчилиги ошмоқда. Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан меҳмонхона ва ошхоналар учун мебеллар тўплами, ҳар хил жавонлар, тумбалар каби махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 8 та янги иш ўрни яратилди.

Мен "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Фарғона минтақавий филиалининг хизматларидан мамнунман ва ушбу банк билан ҳамкорлигимиз янада мустақамлаш ниятидаман.

Зикирё КЎЧҚОРОВ,
Фарғона вилоятидаги "Фарғона Кўзгу" оилавий корхонаси раҳбари.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ОИЛАВИЙ ФАРОВОНЛИК

Тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилдим. Бунинг учун паррандачилик соҳасини танладим. Бизнес-режа туздим. Лойиҳаларимни бошқа тадбиркорларга кўрсатдим. Улар маъқул кўришди. Шундан сўнг "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Андижон минтақавий филиалига мурожаат қилдим.


Банк жамоаси лойиҳам учун 28 миллион сўм кредит ажратди. Сармоси ҳисобига мингта товуқ ҳамда товуқ катаклари сотиб олдим. Ўз фаолиятимни ривожлантириш билан бир қаторда, оила аъзоларимни ҳам иш билан таъминладим. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдим. Ҳозирда фермамизда йилига 300 минг доната тухум етиштирилмоқда.

Меҳринисо МАЪРУФОВА,
касб-хунар коллежи битирувчиси.
Андижон вилояти



«ТАНТИ ҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ»

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрида "Танти қишлоқ хангомалари" сатирик комедиясининг тақдироти бўлиб ўтди.



Истеъдодли драматург, таниқли шоир Қўчқор Норқобил қаламига мансуб ушбу спектаклни режиссёр Маҳмуд Фуломов сахналаштирган.

Асарда ноқонуний "ишбилармонлар" мавзусида ҳикоя қилинади. Уларнинг ҳалол меҳнат қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш ўрнига бекорчиликни касб қилганликлари, бойлик ортириши мақсадида турли соҳаларда ўзларини синаб кўрганликлари турли образлар орқали очиб берилди. Шу билан бирга, қишлоқ ҳаётида учраб турадиган турли хангомалар, қизиқарли воқеалар, реал ҳодисалар спектаклнинг янада томошабоплиги учун хизмат қилади.

Спектакль давомида ёшлар орасида оммавийлашиб бораётган шахсий уяли телефонларга беҳаё файлларни кўчириб олиш ҳолатлари, "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига салбий таъсири каби иллатлар ҳам фош этилган.

Камола ПОЛВОНОВА,
"Туркистон-пресс" муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

ООО "PROFESSIONAL SERVICE SYSTEM" (ИНН 302482809) зарегистрированное ИПСП Хамзинского р-на г. Ташкента (реестр № 004295-07, 30.08.2013 г.) сообщает о реорганизации путем преобразования в ЧП "PROFESSIONAL SERVICE SYSTEM". ЧП "PROFESSIONAL SERVICE SYSTEM" является правопреемником по всем вопросам и обязанностям ООО "PROFESSIONAL SERVICE SYSTEM".

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузурдаги ТСРҰИ томонидан (реестр № 005843-05, 01.05.2012 й.) рўйхатга олинган "SOF BROKERS" МЧЖ ташкилий ҳуқуқий шакли "SOF BROKERS" хусусий корхонасига ўзгаришни маълум қилади. "SOF BROKERS" хусусий корхонаси "SOF BROKERS" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО "LINKER" (ИНН 302613026) зарегистрированное ИПСП Сергелийского р-на (реестр № 003865-06, 20.05.2013 г.) расположено по адресу: ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес: Сергелийский р-н Сергели 6 м-в д. 7 кв. 24 объявляет о самоликвидации. Предприятие в связи с решением учредителя установил срок ликвидации 4 месяцев. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 501-04-49.

ООО "КО'К ШОУ" (ИНН 204069206) зарегистрированное 14.06.2002 г. в ИПСП при Хокимияте Чиланзарского р-на г. Ташкента, в соответствии с решением единственного учредителя № 1 от 22.01.2014 г. ликвидировалось. Претензии и заявления с требованиями кредиторов принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул Олмазор д. 15/2. тел.: (371) 245-75-38.

Тошкент молия институти қошидаги Молия Академик лицейи томонидан 2001 й.да Алиев Фуқрат Шуқруллаевич номига берилган О'Р-А 919602 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "RANO BOTTLERS" (ИНН 300943266) объявляет об уменьшении Уставного фонда с 8 892 066 930,45 сум до 4 119 112 930,45 сум. Требования кредиторов могут быть предъявлены в течение тридцати дней с момента опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. Безакчилик д. 18 а.

СП ООО "SHARO FARMA" (ИНН 203835321) объявляет об уменьшении Уставного фонда с 405 223,43 долларов США до 106967,16 долларов США. Требования кредиторов могут быть предъявлены в течение тридцати дней с момента опубликования данного объявления по адресу: г. Самарканд ул. Али Кушчи д. 16 а.

Утерянная трудовая книжка выданная училцейем ТУ-139 от 26.08.1980 г. на имя Махкамовой Машкуры Салаховны, считать недействительным.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан "IBRAGIMOV XUSAN NOSIROVICH" хусусий корхонаси номига Тошкент ш. Юнусобод т. Бободехон маҳалласи Мирзаобод кўч. 42-уй манзили учун 19.06.2012 й.да берилган О'У № 446190 сонли ер кадастр Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фуқаро Тен Евгений Викторовга тегишли Тошкент ш. Ҳамза т. С.Машҳадий кўч. 96-уйнинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ТСРҰИ томонидан 27.01.2011 й.да № 2525 реестр рақамли "TRUST BIZNES AVTO" МЧЖ номига берилган Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "Jahongir Consulting" (ИНН 302084693) зарегистрированное ИПСП Чиланзарского р-на г. Ташкента (19.08.2011 г., реестр № 007260-08) согласно решения о добровольной ликвидации и приказа № 5 от 22.01.2014 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н квартал Ц. д. 6 кв. 85, тел.: (+99893) 501-70-30.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРҰИда № 003318-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "XONOBOD MONTAJ" МЧЖ (ИНН 301189325) устав фонди 716 048 000 сўмдан 496 501 160 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Миробод т. томонидан 09.08.2006 й.да 001885-3 сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган "SHAROS INPHARMA" МЧЖ тугатилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 252-17-59.

ООО «ARABVOY» ТРЕБУЕТСЯ:
Специалист-животновод по молочным и мясным породам крупного рогатого скота.
Тел.: 237-12-59, 237-12-21.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 16-4:
Лот-16-1: Наманган вилояти туманларида вертикал дренаж кудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи ҚҚСсиз 3 715 928 251 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 12 ой.
Лот-16-2: Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги «К-5» хўжалиқлараро коллектор тизимини реконструкция қилиш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 2 051 190 451 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 14 ой.
Лот-16-3: Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги «Дехқонобод» хўжалиқлараро коллекторини реконструкция қилиш (3-босқич).
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 521 389 141 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 9 ой.
Лот-16-4: Фарғона вилояти Фарғона туманидаги «Теша Нажмиддин» СИУ худудидаги коллектор тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 448 610 911 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 10 ой.
ЛОТ 17-4:
Лот-17-1: Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Шўрота» ва «Дўстлик» СИУлар худудида вертикал дренаж кудуқлар қуриш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 963 282 501 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 7 ой.
Лот-17-2: Сирдарё вилояти Сардоба тумани «К-7-8» хўжалиқлараро коллекторини «Чап тармок» канали тагидан ўтувчи дюкерни реконструкция қилиш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 558 929 086

сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 6 ой.
Лот-17-3: Бухоро вилояти туманларида ёпик горизонтал дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 319 884 039 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 7 ой.
Лот-17-4: Андижон вилояти туманларида кузатув тармоқларини қуриш.
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи 293 380 567 сўм. Ишларнинг тугалланиш муддати 12 ой.
Диққат! Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти.
Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.
Савдо ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти худудий консалтинг маркази.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ре-

сурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.
Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.
Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 308-311 хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз элик минг) сўм.
Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчиси тақдим этишнинг охирига муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.
Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.



Гарантия Лизинг

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь



Тел.: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.



Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

Утеранный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н Чиланзар 8 кв-л д. 34 кв. 63 выданный Чиланзарским БТИ на имя Стурнарас Константин Федоров, считать недействительным.
ТСЖ «Д-20 NAVRO'Z» Чиланзарского р-на (ИНН 203013134) сообщает об изменении наименования в ТСЖ «YAKKATUT SERVIS» с переходом всех прав и обязательств ТСЖ «Д-20 NAVRO'Z» к ТСЖ «YAKKATUT SERVIS». Тел.: 345-94-92.

Тошкент ш. Олмазор т. турар-жой бино-иншоотлари кадастри хизмати томонидан 11.02.2009 й.даги Бабакулов Шерзод Сатыбалдыевич номига берилган 1008040302/5031/0001-рақамли кадастр йиғма жидди асл нусхаси ва ТА № 0697314-сонли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Тошкент ш. Сергели т.да 10.05.2006 й. рўйхатдан ўтган «Мадад Саховат Сари» МЧЖга тегишли думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСПҲИ томонидан 26.03.2009 й.да давлат рўйхатидан ўтган «ROSAGROPROMSNAB» МЧЖ (СТИР 204859267) устав фонди 322 845 870 сўмдан 277 516 670 сўмга камаётганини маълум қилади.
Самарқанд темир йўл транспорт касб-хунар коллежи томонидан Муродова Нафиса Алимовна номига 5.03.2009 й.да берилган К № 0970696-сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 8-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №1-1. «Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «МК Тинибек» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 635.713.351 сўм. Қурилиш муддати – 8 ой.
Лот №1-2. «Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «СК-2», «СК-3» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 1.256.564.276 сўм. Қурилиш муддати – 8 ой.
Лот №1-3. «Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «ЮВ-4» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 1.262.804.069 сўм. Қурилиш муддати – 14 ой.
Лот №2-1. «Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «ЮВ-2-1» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 1.610.291.503 сўм. Қурилиш муддати – 11 ой.
Лот №2-2. «Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги «ЮК-6» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 1.679.779.987 сўм. Қурилиш муддати – 14 ой.
Лот №3-2. «Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «К-4» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 681.760.830 сўм. Қурилиш муддати – 8 ой.

Лот №3-3. «Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги «ЮК-8» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари».
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – 1.035.476.994 сўм. Қурилиш муддати – 12 ой.
Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Тизимли таъмирлаш ва тиклаш объектлари танлов савдоларида кичик бизнес субъектлари квотаси 35% ни ташкил қилади.
Буюртмачи: Қашқадарё вилояти 8-сонли қуриладиган корхоналар бирлашган дирекцияси.
Манзили: Қарши шаҳри Чапқирғоқ кўчаси 1-уй. Тел. (8-375) 226-12-40, 226-12-31.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва

чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳар Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй. Телефон/факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90 000 сўм.
Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охирига муддати офёрталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар (офёрталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда – «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси 3-уйда ўтказилади.

Руководство ИП ООО «АЛФИ ТЕКСТИЛ» (ИНН 206646641) объявляет об уменьшении Уставного фонда на сумму 850 000,00 долларов США. То есть с суммы 2 276 886,62 долларов США до суммы 1 426 886,62 долларов США. Претензии и заявки принимаются в течение 10 дней с момента опубликования объявления по адресу: Ташкентская обл. Занги Отинский р-н ССГ «Урта Оул» ул. Эшлик д. 1, либо по тел.: (+99895) 144-05-56.
Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСПҲИ томонидан (реєстр № 003213-05, 24.10.2011 й.) рўйхатга олинган «SAID HOSIL» МЧЖ ташкилий ҳуқуқий шакли «SAID HOSIL» оилавий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. «SAID HOSIL» оилавий корхонаси «SAID HOSIL» МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
Халматова Махлуза Ахмедовнага тегишли Тошкент ш. Чилонзор т. Бунёдор кўч. Чилонзор буюм бозори худудидаги савдо дўконининг (блок А № 7-8) 3-1960/2012 сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Утеранный диплом № 148099 (рег. № 84) выданный в 1997 г. Узбекским государственным институтом физической культуры на имя Хайдарова Шухрата Анваровича, считать недействительным.
Утеранный аттестат № 520533 выданный в 1982 г. об окончании ср. школы № 12 им. Хамиды Алимжана Ильичевского р-на Сырдарьинской обл. на имя Бандаровой Ирины Александровны, считать недействительным.
Утеранное «адвокатлик гувоҳномаси» за № 2239 от 05.06.2012 г. выданное Горюстом на имя Азизова Азима Махкамовича, считать недействительным.

ПОЙАБЗАЛНИНГ ҚАНДАЙИ АҶЗАЛ?

Инсоннинг кундалик турмушида энг зарур эҳтиёжлари қаторида пойабзал ҳам туради. Бугунги кунда савдо расталарида ҳар биримиз ўз дидимиз ва имкониятларимизга қараб турли-туман пойабзалларни учратишимиз мумкин. Аммо кўпчилик ўзига қулайидан кўра, оёқда чиройли кўринадиган пойабзал танлашга уринади. Аслида пойабзал танлашда нималарга эътибор бериш лозим? Ҳозирда дунё "пойабзал бозори"да қандай жараёнлар кечмоқда. Қуйида шулар ҳақида сўз юритамиз.

Мамлакатимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, хусусан, чармпойабзал соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида сўнгги йилларда республикамиз бўйича 50 дан ортқ янги корхоналар ташкил этилиб, 100 га яқин мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарида модернизация ишлари амалга оширилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми мамлакатимиз аҳолисининг талабини қондириш билан бирга маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Чунки бизда ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар ҳам дунёнинг шу турдаги маҳсулотидан ҳеч қолишмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, чиройли ва эркин, энгил юришга одатланишда пойабзалнинг оёққа, об-ҳавога ва мавсумга мослиги муҳим аҳамиятга эга. Пойабзал, аввало, юриш учун қулай бўли-

ши керак. Сифатли оёқ кийимларда махсус кўтариб турувчи юмшоқ матодан тайёрланган патак бўлади.

– Пойабзал танлашда баланд пошналиларни танламаган маъқул, – дейди шифокор Насиба Эшонкулова. – Боиси, пошна қанча баланд бўлса, болдир мушакларига тушадиган зўриқиш шунча юқори бўлади. Олимлар баланд пошна оёқ кийимида умуртқа поғонасига оғирлик бир текис тушмаслигини ва бу тана ҳаракатининг бузилишига (дегенератив) олиб келишини исботлаган. Баъзан аёллар кичкина пойабзал кийишади. Бу ҳолда оёқ сиқилиб, юрганда азоб беради. Турли дардларга чалиниш ҳам мумкин. Танада қон айланиши мураккаблашади. Оёқ қафти ҳам хунуклашади. Бироқ жуда ясси, пошнасиз пойабзалда юриш ҳам ярамайди. Бундай ҳолатда оёқ суякларини ясси бўлиб ўсади ёки



мунтазам баланд пошна кийиш оқибатида силжиб, қийшиқ жойлашиб қолиши мумкин. Пойабзал пошнасининг баландлиги ўртача бўлгани маъқул. Бундай туфлида одам енгил, майин қадам ташлайди. Уйда киядиган пойабзаллар ҳам иложи борича бироз пошна бўлсин. Энг баланд пошна камида уч сантиметр бўлса мақсадга мувофиқ. Шунда оёқларингиз унчалик чарчамайди ва яссиоёқликнинг ҳам олди олинади. Оёқ юзаси 28 суяк, 33 бўғин ва 3 та катта бириктирувчи бўғиндан иборат. Унинг вазифаси юмшоқ ҳаракатланишни таъминлаш ва зарбани юмшатишдир. Акс ҳолда, оддийгина югуриш ёки сакраш ҳам мия чайқалишига

олиб келган бўларди.

Мустақил юра бошлаган бола учун оёқ кийим харид қилишда, аввало, уни кийдириб кўрган маъқул. Оёқ кийимнинг ташқи кўринишига эмас, бола оёғига қулайлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, пойабзал енгил ва унинг таглиги эгилувчан бўлгани яхши. Эгилувчан таглик оёқ ҳаракати ҳалал бермайди. Оёқ кийимни букиб кўринг, таги юмшоқ бўлса, осон букилади. Аммо баъзи шифокорлар оёқ кийим таглиги қаттиқ бўлиши керак, деган фикр билдирадilar. Яна айтишадикки, оёқ кийим катта ҳам, кичик ҳам бўлмаслиги керак. Баъзан фарзандларимиз ке-

йинги йил ҳам кияди, деган фикрда ўз ўлчамидан каттароғини оламиз. Бунда ҳам эҳтиёт бўлиш керак экан, боиси, катта оёқ кийим оёқнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Дўст бошга, душман оёққа қарайди. Бу мақол бежиз айтилмаган. Шу боис, пойабзалнинг тозаллигига эътибор қаратишимиз керак бўлади. Кўчага кийиладиган оёқ кийимини чанг ва кирдан тозалаш учун кўчадан келган заҳоти аввал нам, сўнг қуруқ латта билан артиш керак. Бутунлай ивиган оёқ кийимига қоғоз солиб қуритган маъқул. Қоғоз намни яхши шимиб олади ва бу бир неча бор такрорланса, оёқ кийим тезда қурийд. Оёқ кийимини ҳеч қачон олов, печка ёки радиатор ёнида қуритманг. Юқори ҳарорат унга салбий таъсир этади: чарм шаклини ўзгартиради, эгилувчанлигини йўқотади. Вақти-вақти билан туфлини иссиқ сувда ювиш тавсия этилади. Шунда крем ва чанг қолдиқлари кетади. Тор оёқ кийимини кенгайтириш учун одеколон қуйилади, дарҳол кийилади ва ташқи томонига ҳам одеколон сепади. Шундан сўнг чарм юмшайди, кенгайди ва оёққа лойиқ бўлади.

Сарвар САҒАРОВ
тайёрлади.

▼ ҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

ҲАДИСИНИ ОЛГАН ЭКАНСИЗ...

Улфатлар шанба кунини йиғилишиб, шаҳардаги шифохонада даволанаётган дўстлари Алишерни кўргани боришадиган бўлишди.

Буни қаранг, ўша кун эрталабдан ёмғир ёға бошлади. Адҳамжон ҳавонинг авзонини кўриб, эшик олдида турган ёмғирпўшни олиб, йўлга тушди. Улфатлар келишилган вақтда, келишилган жойда учрашдилар.

– Адҳам, дўстим, биз ёмғирдан кўркмай келавердик. Сен бўлсанг, ёмғирпўшни олибсан-да, – деди Юсуф.

– Ҳа, энди сизлар шаҳар кўрибсизларми? Биз кунда шаҳарда юравериб, ёмғир-қордан сақланишнинг ҳадисини олганмиз, – деб Адҳам мақтаниб, ёмғирпўшни оғайниларига кўз-кўз қилди. Буни кўрган улфатлар норози оҳангда, бизга ёмғир-қор таъсир қилурми, деб унинг ортидан ёмғирда ивиб боришарди.

Улфатлар шифохонага етиб келишгач, қабулхона ҳамширасидан Алишернинг қайси палатада ётганлигини сўраб-суриштира бошлашди. Бу ерда ҳам Адҳам билафонлик қилиб, ҳамширани саволга тутиб гапдонлик қиларди.

Улар бемор дўсти ётган хонани топиб, ундан ҳол-аҳвол сўрашиб, анча гурунглашдилар. Буни қарангки, гап айланиб об-ҳавога тақалди. Шу пайт Адҳам бир кўлига, бир ён-атрофига



аланглай бошлади.

– Эҳ, эсим курсин, қабулхонадаги ҳамшира қизга махлиё бўлиб, ёмғирпўшминини кўчада унутибман-ку, – деб югурганича хонадан чиқиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, сувга тушган мушукдай қайтиб келди. Ёмғирпўши йўқ экан.

Улфатлар бемор дўстлари билан хайрлашиб, ташқарига чиққанларида ёмғир анча тезлашганди. Адҳамнинг ҳамма қатори елкасини қисиб ёмғирда ивиб бораётганини кўрган Юсуф:

– Махлиё бўлишнинг ҳам ҳадисини олган экансиз-а? – деганида ҳамма гур этиб кулиб юборди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ



*Хурсанд бўлиб кетади
Сув қуйсам гулим.
Менга раҳмат айтгандек
Гулим боқар жим.*

*Хона унинг исига
Кетар кўмилиб.
Баҳонада барглари
Олар чўмилиб.*

Абдурахмон АКБАР

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агрисаноат комплекси
таркибидagi ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ,
Омонулло ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОҲОВ,
Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ,
Абдихаҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ,
Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



Қабулхона – 236-26-50, **Котибият** – 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** – 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** – 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** – 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-44-43, **Факс** – 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

ТЕЛЕФОНЛАР:

**Реклама
ва
эълонлар:**

236-26-50,

233-28-04.

ISSN 2010-7031



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

**Набатчи
муҳаррир:**

С.СОЛИЕВА

Мусаҳҳих:

Н.ҲОТАМОВА

Дизайнер:

Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-122,
ҳажми 2 босма табоқ.

**Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.**

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10
26917 нусхада босилди. Нашр индекси – 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5